

“Тасдиқлайман”
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
“Ягона буюртмачи хизмати” ИК
бош муҳандис в.б.



С. Сағдиев

“ 12 ” 08 2022 й.

**“Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Лутфий, 1-Қатортол, Дилобод,
Ҳалқлар Дўстлиги, Нафосат худудларини кластер усулида цемент-бетон
қопламали ички йўллари қуриш” объектнинг лойиҳа-смета
ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1.	Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, манзил:100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,16а уй.
2.	Объектнинг номланиши	Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Лутфий, 1-Қатортол, Дилобод, Ҳалқлар Дўстлиги, Нафосат худудларини кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш
3.	Объектнинг жойлашган худуди	Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Лутфий, 1-Қатортол, Дилобод, Ҳалқлар Дўстлиги, Нафосат худудларида.
4.	Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги “Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-249-сонли қарори. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2022 йил 26 майдаги 549-14-0-Q/22 қарори.
5.	Қурилиш майдони характеристикаси (сейсмикаси, ер чўқувчанлик грухи ва бошқалар)	Сейсмиклик даражаси- ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади. Ер чўқувчанлик муҳандислик ва геология асослари орқали аниқланади.
6.	Қурилиш тури	Қуриш ва таъмирлаш ишлари.
7.	Лойиҳалаштириш босқичлари	Ишчи лойиҳа
8.	Бош лойиҳачи	Танлов савдолари орқали аниқланади
9.	Бош пудратчи	Халқ Депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 2022 йил 8 августдаги VI-68-206-14-0-K/22-сонли қарорига мувофиқ.
10.	Молиялаштириш манбаи	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳамда унинг қўшимча манбалари ҳисобидан.
11.	Объектнинг лойиҳавий қуввати	Лойиҳалаштириш даврида аниқлик киритилади.

12.	Асосий кўрсаткичлар ва техник талаблар	Кластер усулида цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш лойиҳасида қуйидагилар кўзда тутилиши керак: “Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларидаги ички кўчаларнинг транспорт қатнови қисмларида қаттиқ йўл қопламаларини лойиҳалаш ва қуриш вақтинчалик йўриқнома” талабларига асосан бажарилсин. Ички йўлларни конструкция асосини тайёрлаш, завод шароитида тайёрланган бетон қоришмасини қуйиш ишлари. Ички йўл учун бордюрлар қопламасини ётқизиш ҳамда қурилган йўлларни сақлаш ишларини назарда тутилиши. Қурилиш минтақасига тушган бино ва иншоотларни кўчириш маҳаллий ҳокимият томонидан, мавжуд муҳандислик тармоқларини кўчириш ва қайта ўрнатиш ишлари техник шартлар асосида коммуникация эгалари томонидан мақбул лойиҳавий ечимлар асосида қабул қилинсин.
13.	Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022 йил.
14.	Ташқи муҳандислик изланишлар зарурияти	Талаб этилмайди.
15.	Зарур бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-қидирув ишлари бўйича талаблар	АРТ, атроф муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва хулоса, муҳандислик-қидирув ишлари ҳужжатлар (топохарита, геология) зарур ҳолларда лойиҳа ташкилоти тамонидан бажарилади.
16.	Жойнинг тавсифи	Текислик ҳудуди.
17.	Табиатни ва атроф-муҳитни асраш бўйича талаблар	Лойиҳада дарахтларни кесишга йўл қўйилмасин.
18.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича талаблар.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва хулоса лойиҳа ташкилоти тамонидан тақдим этилади.
19.	Энергия сарфи бўйича талаблар.	Талаб этилмайди.
20.	Ерларни рекультивациялаш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар	Атроф муҳитни ҳимоялаш, бузилган ерларни тиклаш ишлари харажатлари кўзда тутилсин.
21.	Сунъий иншоотлар	Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНК 2.05.03-12 “Кўприклар ва қувурлар” талабларига мос равишда ва техник кўрик хулосаси асосида
22.	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш	ШНК 3.01.01-03 га асосан тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилсин.
23.	Топшириш қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиҳаси 3 нусхада ва электрон

		вариантда (PDF) амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим смета хужжати 1 нусхада китоб ва электрон шакилда (диск).
--	--	---

Буюртмачи:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, бирламчи рухсат берувчи, лойиха хужжатлари ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи

БРБЛ ва ТХТ бўлими бош мутахассиси



Ш. Қодиров



Х. Юсупов